

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти

Юсупов А., Сайдов Т. Турсунметов К.

## Физикадан масалалар ечиш методикаси

$$E_1 = \frac{mv_1^2}{2} + mhg \quad E_2 = \frac{mv_2^2}{2}$$

$$S = v_0 t + \frac{at^2}{2}$$



СН0000030417

Тошкент 2008

**Муаллифлар:**

А. Юсупов, Саидов Т.  
Турсунметов К.

**Нашр учун масъул:**

Ш.Ш.Шомансуров

**Муҳаррир:**

М.Ҳайдарова

А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ «Илфор педагогик техологиялар ва нашр ишлари бўлими»да нашрга тайёрланди – дизайн, компьютер саҳифалаш, 2008.

А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ Илмий кенгаши нашрга тавсия эттан(2008 йил).

Тавсияномада фойдаланилган маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

## **Сұз боши.**

Үқувчиларнинг амалий малакалар ҳосил қилишларида, уларнинг тафаккурларини, фикрлаш қобиляйтларини оширишда, назарий билимларни мустаҳкамлашда, фанга бўлган қизиқишларини ўйғотишда масалалар ечиш, шу фандан тўгараклар ўтказиш, синфдан ташқари машгулотлар ўтказиш муҳим роль ўйнайди. Физика предметини яхши ўзлаштириш, унга қизиқишни ортиришнинг энг яхши йўли ҳархил қоидалар берилгандан, ҳархил катталикларнинг ўзаро боғланишларини кўрсатилгандан кейин ҳаётда содир бўладиган ходиса ва воқиаларга тегишли масалаларни ечиш, синфдан ташқари машгулотлар ўтказишидир.

Ушбу ўқув қўлланмада ўқувчиларга физикадан таълим – тарбия бериш методларидан бири бўлган масалаларни қандай ечиш кераклгининг тўлиқ йўл – йўриклиари берилган. Бундан ташқари фанга багишиланган кечаларни қандай ўтказиш кераклиги, синфдан ташқари машгулотлар, тўгаракларда қандай ишлар қилиш, амалий ишларнинг қизиқарли ўтиши учун ҳар хил бошқотирмалар ҳам берилган. Бу қўлланма ҳам ўқитувчиларга ҳам ўқувчиларга мўлжалланган.

### **1. Физикадан масалалар қандай ечилади ?**

Физикадан масалалар ечиш ўқувчиларнинг назарий материални пухта ўзлаштиришлари, асосий физик тушунчалар ва қонунларнинг математик ифодаларини ёдда сақлаб қолишиларига ёрдам беради, улар олган билимларни амалда тадбиқ қилиш малакаларини ҳосил қиласди.

Физик масала деганда ўқув жараёнида мантиқий хulosалар, математик амаллар ва физик қоидалар асосида ечиладиган физик муаммо тушунилади.

Физика, математика ва бошқа фанлардаги дарсларда ўқув материалини ўрганиш билан боғлиқ бўлган ечиладиган жумбоқ ўқувчилар учун масала бўлади. Масалалар ечишни ўрганиш ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига имкон беради, мантиқий тафаккур, хотира, диққат ва идрокининг ўсишига ёрдам беради.

Физикадан масалаларни еча олишлик физика фанини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг асосий мезонидир. Физик масалалар ечиш жараёнида ўқувчилар табиат, техника ва турмушдаги турли физик ҳодисаларни таҳлил қилишда ўз билимларини қўллаш учун билим ва малака ҳосил қиласдилар, жумладан: чизмалар, расмлар, графиклар чизиш, ҳисоблашларни бажариш, маълумотномадан фойдаланиш, экспериментал масалаларни ечишда асбоб – ускуналардан фойдаланиш учун билим ва малакалар ҳосил қиласдилар.

Методик ва ўқув адабиётларида эса маълум мақсад учун танлаб олинган ва физик ҳодисаларни ўрганиш, тушунчаларнинг шаклланиши, ўқувчиларнинг физик тафаккурини ривожлантириш ва уларга олган билимларини қўллай олиш ўқувини беришини мақсад қилиб олган машқлар масала деб юритилади. Бу масалалар сифатга

оид масалалар, ҳисоблаш масалалари, экспериментал масалалар ва бошқа хил масалалардан иборатдир.

Масалалар ечиш ўқитувчи учун ўқувчиларнинг ютуқларини ва камчиликларини, шунингдек ўзининг ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини доимо кузатиб боришга мумкин бўлган аниқ барометрдир.

Ўқувчиларга физик ҳодисаларнинг моҳияти турли усуллар ёки услублар билан тушунтирилган бўлсада, масалалар ечиш йўлларининг ўз методикаси мавжуддир. Масалан, сифатта оид, ҳисоблашга оид, экспериментал ва график масалалар.

### **I. Сифатга оид масалалар ечиш методикаси.**

Сифатта оид масалалар қисқа вақт ичида кўрилаётган масаланинг физик моҳиятини аниқлашга имкон беради. Ўқувчиларнинг сифатта оид масалаларни мувофақиятли еча олишлари билимларнинг онгига синганини, материални ўзлаширишда расмийчалик бўлмаганини билдиради. Сифатта оид масалалар мавзуси, мазмуни ва мураккаблиги жиҳатидан хилма – хилдир:

1. Сифатта оид содда масалалар ёки уларни баъзида масала – саволлар деб ҳам юритилади. Улар одатда битта физик қонунга асосан ечилади ва бунда қатор мантиқий хуносалар чиқариш анча осон бўлади.

2. Ўзида бир неча содда масалаларни мужассамлаштирган сифатта оид мураккаб масалалар. Уларни ечишда қатор, анча узоқ мантиқий хуносалар чиқариш, бир неча физик қонунларни таҳлил қилишга тўғри келади.

Сифатта оид масалалар ечиш лойиҳаси қўйидагича:

1. масаланинг шартини ўқиши, масала шартидаги барча атама ва катталикларни аниқлаши.

2. Масала шартини таҳлил қилиш, физик ҳодисаларни аниқлаши, керак бўлса расм, чизмани ёки графикни чизиш.

3. Олинганд натижани унинг физик маъносига кўра таҳлил қилиш, масала шартига ва воқеликка мувофиқ келишини аниқлаши.

### **II. Ҳисоблаш масалаларни ечишга доир методлар.**

Ҳисоблаш масалаларнинг ечиш услуби ёки усуллари уларда қўлланиладиган математик жараёнларга кўра арифметик, алгебраик, геометрик ва график усулларга бўлинади. Ечиш жараёнида фойдаланиладиган мантиқий амалларга қараб аналитик, синтетик ёки аналитик – синтетик методларга бўлинади.

Арифметик метод. Бу методда физик катталиклар устида фақат арифметик мисоллар сингари ечилади: формуласаларни қўлламасдан саволлар ёзилади. Арифметик метод мактабда физика ўқитишининг бошлиянгич даврида (6–синф), ҳам ўқувчилар алгебрадан тегишли билимга эга бўлмаган ёки физика формуласаларига кирган катталиклар орасидаги боғланишни чуқур тушунмаган ҳолларда қўлланилади.

Баъзан арифметик методнинг ўзига хос хусусияти, унда ҳарфий ифодаларнинг бўлмаслиги деб тушунилади. Бироқ, гап ҳарфий ифодаларга эмас, балки бунда тенгламалар тузулмаслиги ва унинг ечилимаслигидадир.

Алгебраик метод. Бу методда ўқувчиларнинг алгебрадан олган билимларидан фойдаланилади, формуалалар ишлатилади, тенгламалар тузилади ва ечилади.

Алгебраик метод қўлланиладиган энг содда масалаларни ечиш—тайёр формулалардан фойдаланишидир.

Алгебраик методнинг энг асосий мақсади мураккаброқ масалаларда изланаёттан катталик бир неча формулалар ёки тенгламалар тизимидан фойдаланиб топилади.

Геометрик метод. Бу методда масалаларни ечишда изланаёттан катталик ўқувчиларга маълум бўлган геометрик чизмалардан топилади. Геометрик методдан статика(7 – синф), геометрик оптика(9 – синф), электростатика(8 – синф) ва мактаб физика курсининг бошқа бўлимларида кенг фойдаланилади.

График метод. Бу методда геометрик метод билан график метод бир – бири билан чамбарчас боғланган. График методда изланаёттан катталик графикдан фойдаланиб топилади. Бу хил масалалар ўзига хослиги туфайли бошқа методлардан фарқ қиласди.

### **III. График методга оид масалалар ечиш методикаси.**

Физик жараён ва ҳодисаларда физик катталикларнинг ўзгариши катталикларнинг боғланиш графикларидан иборат бўлган масалалар кўринишлари бўлиб, улар график масалалар дейилади. Кўпгина ҳолларда бу графиклар масаланинг шартида берилади, кўп ҳолларда эса графикни чизиш керак бўлади. Дастлаб график масалаларни ечишда графикларни «ўқиши»дан ва жуда содда графиклар чизишидан иборат бўлиши керак. Сўнгра графиклар билан ишлашни табора мураккаблаштириб, ўқувчиларга катталиклар орасидаги миқдорий боғланишларни топиб, уларнинг графикларини чизиш тавсия этилади.

### **IV. Экспериментта оид масалалар ечиш методикаси.**

Экспериментал масалаларни ечишда лаборатория ёки демонстрацион экспериментдан фойдаланилади («демонстрацион» сўз лотинча бўлиб, кўрсатиш деган маънони англатади).

Демонстрацион экспериментал масалаларни ечишда тажрибалар мактаб демонстрацион экспериментнинг барча шартларига амал қилган ҳолда бажарилади. Бу методда ўқувчилар масаладаги зарур маълумотларни олиш учун тегишли тажрибалар ва кўзатишларни ўзлари мустақил равишда олиб боришлари керак бўлади.

Маълумки, ўқувчиларнинг экспериментал масалаларга қизиқишилари жуда катта. Физика тажрибаларида кўриладиган масалалар техника ва турмуш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб қиласди. Экспериментал

масалаларни қўйиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитиш жараёнида уларни қўллаш, ўқувчилар муносабатига ва матнли масалалар ечишга формал ёндашиш, масала мазмунини муҳокама қилиш ўрнига, уларда ҳаммадан аввал сон қийматлари қўйилиши мумкин бўлган «қутқарувчи формула»ни қидириш хусусиятлари йўқолади. Уйда экспериментал масалаларни қўйиш ва ечиш ҳам ўқувчиларда мустақил фикрлашни ўргатади.

#### **V. Физика масалаларини танлаш методикаси.**

Ҳар бир мавзуни ўрганишда демонстрацион эксперимент, лаборатория ишлари ва бошқа кўринишидаги ўқув машгулотлари режалаштирилгани сингари масалалар ечиш ҳам аниқ режалаштирилиши лозим. Масалалар танланган методикага мос келадиган аниқ тизимни ташкил этиши ва ўқитишнинг маълум мақсадига жавоб бериши керак.

Дастурнинг маълум мавзуси бўйича машгулотта тайёрланиб, ўқитувчи масалалар мавзусини танлайди ва уларниешиб кетм – кетлигини аниқлайди. Танланган масалалар тизими қатор талабларни қаноатлантириши керак. масалада тавсифланган жараён ёки ҳодисани тавсифлайдиган катталик ва тушунчалар орасидаги боғланишнинг аста – секин мураккаблашиб бориши асосий дидактик талаб ҳисобланади.

Юқорида такидлаб ўтганимиздек, агар мавзунинг тавсифи ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва шу кабиларга зарурият бўлса, мавзу ёки физика курсининг айрим масаласи бўйича масалаллар ечишни машқ ёки тест вазифаларини ечишдан бошлаган маъқул. Шундан кейин ҳодисани тавсифлайдиган катталик ва тушунчалар орасидаги боғланишлар сони ортиб борадиган, кетма – кетликни таъминлайдиган мураккаброқ ҳисоблаш, экспериментал ва бошқа масалалар танланади. Техник мазмундаги комбинацияланган мураккаброқ, тўлиқ маълумотта эга бўлмаган масалалар маълум мавзу бўйича танланган масалалар тизимининг якунлари бўлиши мумкин.

Масалалар танлашга кўрсатилган дидактик талабдан ташқари ҳар бир масалани танлашда ўқитувчи мўлжаллаган мақсадни амалга ошириши муҳим аҳамиятта эга. Ҳар бир танланган масала кўрилаётган мавзу бўйича ўқувчилар билимини оширишга қандайдир ҳиссасини қўшиши, катталиклар орасидаги боғланишини тушунишни чуқурлаштириши, тушунчаларни аниқлаштириши ва уларнинг бошқа кўринишлардаги машгулотларда етарлича аниқланимаган ва чуқурлаштирилмаган қандайдир янги белгиларини очиб бериши, олинган билимларни амалда қўллашга ўргатиши лозим.

#### **VI. Масалалар ечишда аналитик ва синтетик методлардан фойдаланиш.**

Анализ ва синтез юононча analasys – ажратиш, бўлиниш ва synthesis – қўшиш, бирлаштириш деган маъноларни англатади.

Анализ – фикран ёки амалда нарса ва ҳодисани таркибий бўлаклага бўлиш: синтез эса бу бўлакларни фикран ёки амалда бир бутун қилиб. Бирлаштириш, нарсани яхлит олиб текширишдир.

Биз масалалар ечишда анализ ва синтез усулларини аналитик синтетик метод деб атадик.


Аналитик метод. Масала ечишнинг бу методи мураккаб масалани бир қатор оддий масалаларга ажратиш(анализ)дан иборат бўлиб, шу масалани ечиш масалада қўйилган саволга бевосита жавоб берадиган қонуниятни топишдан бошланади. Натижавий ҳисоблаш формуласи хусусий қонуниятларни синтез қилиш орқали ҳосил қилинади.

Мисол кўрамиз. Тинч ҳолатда оғирлиги 2800 Н бўлган лифт шахтага текис тезланувчан ҳаракат билан тушмоқда. Биринчи 10 секундда у 35 метр масофани босиб ўтади. Лифт осилган трасс таранглигини ҳисобланг.

Масаладаги жараённи таҳлил қиласиз. Лифт қандайдир ўзгармас а тезланиш билан пастта тушмоқда. Лифтта трасснинг эластик кучи

$\rightarrow$   
 $(F_{\text{эл}})$  ва оғирлик кучи  $(F_{\text{ор}})$  таъсир қиласи.

$$\rightarrow \quad \rightarrow \quad \rightarrow \quad \rightarrow \quad \rightarrow \quad \rightarrow \\ F_{\text{эл}} + F_{\text{ор}} = ma \quad \text{бундан } F_{\text{эл}} = ma - F_{\text{ор}} \quad (1)$$



1 – расм

(1) tenglamada вектор кўринишидан скаляр кўринишга ўтиш учун саноқ системасини танлаймиз (1 – расм).

Ҳамма катталикларни Оу ўқига проекциялаймиз.

$$F_{\text{эл}} = -ma - (-F_{\text{ор}}) = F_{\text{ор}} - ma \quad (2)$$

Энди лифт тезланишининг модулини аниқлаш масаласи пайдо бўлади. Унинг кўчиш модулини билган ҳолда аниқлаш мумкин:

$$S = \frac{at^2}{2} \quad \text{бундан} \quad a = \frac{2S}{t^2}$$

катталикларнинг топилган ифодалари (2) tenglamaga қўямиз.

$$F_{\text{эл}} = F_{\text{ор}} - m\left(\frac{2S}{t^2}\right). \quad P = F_{\text{ор}} = mg \quad \text{дан} \quad m = \frac{2800}{10} \frac{\frac{kgm}{c^2}}{\frac{m}{c^2}} = 280 \text{кг}$$

$$F_{\text{ЭЛ}} = 2800 \text{Н} - \frac{2x35_m}{100c^2} x 280 \text{кг} \approx 2604 \text{Н}$$

Синтетик методда масалани ечиш, аниқлаш лозим бўлган катталиқдан бошламасдан, масала шартидан бевосита топилиши мумкин бўлган катталиклардан бошланади. Охирги формулага изланаёттан катталик кирмагунча, масалани ечиш аста – секин тармоқланиб боради. Юқорида берилган масалани шу методда ечиш учун лифт тезланишини ҳисоблашдан бошланади, шундан кейин арқонинг таранглик кучи учун ифода ҳосил қилинади ва унга ҳамма оралиқда топилган катталиклар қўйилади. Аммо, синтетик методда масала ечиш ҳодисаларни таҳдил қилишдан бошланиши керак, юқоридаги масалада лифт ҳаракатини таҳдил қилишдан ва унга таъсир этаёттан кучларни аниқлашдан бошланади. Бу фақаттина масала шартидан топиш мумкин бўлган катталикларнига эмас, балки ушбу масалани ечиш учун зарур бўлган катталикларни ҳам аниқлашга имкон беради.

## **VII. Ўқувчиларни физикадан масалалар ечиш методикасига ўргатишнинг асосий талаблари.**

Масалалар ечишда асосий фаолиятнинг қўйидаги маълум кетма – кетлигини ажратиб кўрсатиш ва уларга амал қилиш жоиз:

Биринчи талаб: Масалани ечиш – масала шартини ўрганишдан, қабул қилинган белгилар ёрдамида берилганларни қисқача ёзишдан бошланиши керак. Масала шартини ўрганиш – бу масала мазмунида тасвирланган ҳодиса ёки жараённи кўз олдига яхши келтириб олиш демакдир.

Иккинчи талаб: масалада кўрилган физик ҳодисалар ва жараёнларни мукаммал ҳар томонлама қараб чиқиши – бу дикъатни энг жиiddий қаратиш лозим бўлган бош нарсадир. Масалалар қўлланилишининг физик ўқитиш методларидан бири сифатидаги муваффақияти ҳам ана шундай қараб чиқишига кўп жиҳатдан bogлиқdir.

Ўқувчилар дикъатини шунга қаратиш муҳимки, бу таҳлилда кўпинча жараённинг бошланғич ва охирги ҳолатини ва уларни тавсифлайдиган катталикларни аниқлаб олиш зарур бўлади. Бу масала шартини аниқлаб олишга, ҳарфли белгиларга мос сон қийматларини қўйишига имкон беради.

Учинчи талаб: масаладаги ҳодисалар ва жараёнларни тавсифлайдиган қонуният ( қонун, формула, қоида)ни топишдан, яъни хотирада тиклашдан иборатдир.

Тўртинчи талаб: масала мазмунига мос ҳолда ҳосил қилинган тенгламалар тўғри ва аниқлигини ёки тенгламалар сонини номаълумлар сонига мос келишини текшириш, масала шартида берилганлари зарур бўлиб қолганда, қўшимча тенгламалар тузиш учун фойдаланиш, тенгламалар тузишни умумий кўринишида ечиш, яъни ҳисоблаш формуласини ҳосил қилишдир.

Якунловчи талаб: ҳисоблаш формуласини ва изланаётган катталикларнинг сон қийматини аниқлаш, масала жавобини иаҳлил қилишдир.

Масала ечишда шунга доим эътибор бериш керакки, масала шартида берилган катталиклар бир ҳил ҳалқаро бирликлар тизимида берилмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун масалани ечишдан один физик катталикларнинг ҳаммаси бир хил ҳалқаро бирликлар тизимида ёзib олиниши талаб қилинади. Агар зарурият бўлса, масалага тегишли чизма чизилиши, шундан кейин эса ҳисоблашларни бажариш керак.

Масалалар ечишга ва уларнинг мазмунини таҳлил қилишга расм, чизма, схемалар катта ёрдам беради. Масала ечишда бундай графикли иллюстрацияга мурожат этиш одат тусига кириши, унга эса албатта кўникма ҳосил қилиб борилиши керак. Чизманинг чизилмаслиги кўпинча масала ечишни қийинлаштиради, хатто масала аниқ ечилмайди. Ўқувчилар кўпинча ўйлаб ўтирамайдилар, масалан, масалада қайси кучлар тўғрисида гап кетаёттанилигини, улар қайси жисмларга таъсир этаёттанилигини, ток кучи. Кучланиш, қаршилик, қувват қийматлари электр занжирининг маълум элементлари билан қандай муносабатда бўлишини билмайдилар.

Чизма ёки схемани чизиш, уни таҳлил қилиш ва масала шартини ёзишда мос келган белги ва сонларни қўллаш, бу камчиликларни йўқотиш учун ёрдам беради.

Яна шуни айтиш керакки, масала ечишда тақрибий сонлар билан ишлаш қоидаларига амал қилиши керак. Масалан,  $g = 9,81 \text{ м/с}^2$  ни  $g = 10 \text{ м/с}^2$  деб олиш ҳисоблашни осонлаштиради. Олган натижани физик маъноси масала шартига мос келиши нуқтаи назаридан уни муҳокама қилиш, масала ечишда муҳим босқич ҳисобланади. Кўпинча ўқувчилар критик нуқтаи назардан танқидий қарамайдилар. Шунинг учун масала жавобин таҳлил қилиш – масала ечишнинг мажбурий якунловчи босқичи бўлиши керак.

Бундан ташқари қатор ҳолларда масала чамалаб ечилса, яхши бўлади. Бунинг учун масала яхлитланган сонлар билан оғзаки ечиб кўрилади.

Ўқитиш тажрибасида масалалар ечишни расмийлаштиришнинг маълум, тўла рационал усуллари таркиб топган. Масала шарти қабул қилинган ҳарф белgilари орқали устун кўринишида қисқача ёзилади.

### VIII. Физикадан масалалар шартини белгилаш усуллари.

Масала шартини белгилаш ва уларни устунчаларга жойлаштиришнинг масала мазмунини йўқотмасдан аниқ ва равон бажарилишининг бир қанча усуллари билан таништирамиз.

Битинчи мисол: Узунлиги 500 м кенглиги 2 м бўлган йўлкага 2,5 см қалинликда қум сепилган. Сепилган қумнинг массасини аниқланг. Қумнинг зичлиги 1500 кг/м<sup>3</sup>.

Биринчи усул  
 Берилганлар:  
 Узунлик = 500м  
 Кенглиги = 2 м  
 Қалинлиги = 2,5см  
 Зичлиги = 1500 кг/м<sup>3</sup>

$$\text{Масса} = ?$$

Учинчи усул.  
 Берилганлар(х.б.т):  
 $L = 500 \text{ м}$   
 $a = 2 \text{ м}$   
 $b = 2,5\text{см}$   
 $\rho = 1500 \text{ кг/м}^3$

$$m = ?$$

Иккинчи усул  
 Берилганлар:  
 Узунлик(L) = 500м  
 Кенглиги(a) = 2 м  
 Қалинлиги(b) = 2,5см =  $2,5 \cdot 10^{-2}$   
 Зичлиги( $\rho$ ) = 1500 кг/м<sup>3</sup>

$$\text{Масса}(m) = ?$$

#### Тўртинчи усул (Жадвал усули)

$l, \text{м}$	$a, \text{м}$	$b, \text{м}$	$\rho, \text{кг/м}^3$	$m, \text{кг}$	Керакли формула	Ҳисоблаш
500	2	$2,5 \cdot 10^{-2}$	1500	?	$m = \rho \cdot (a \cdot b \cdot l)$	
500	2	$2,5 \cdot 10^{-2}$	?	37500	$\rho = m / (a \cdot b \cdot l)$	
500	2	?	1500	37500	$b = m / (a \cdot \rho \cdot l)$	
500	?	$2,5 \cdot 10^{-2}$	1500	37500	$a = m / (b \cdot \rho \cdot l)$	
?	2	$2,5 \cdot 10^{-2}$	1500	37500	$l = m / (a \cdot \rho \cdot b)$	

Масала мазмуни муҳокама қилиниб, уларнинг зарурлиги аниқланиб бўлгандан сўнг, етишмайдиган маълумотларни маълумотнома(справочник)дан ёки китоб охиридаги жадвалдан олинниб, шу устунларга ёзib қўйилади. Шундан кейин керакли формулалар ёзилиб, ҳисоблаш ишлари бажарилади.

Бир нарсани яна бир марта қайтариб ўтамиз. Формулалар бўйича ҳисоблаш ишлари олиб борилаёттанди, албатта, у ерда қатнашаёттанди катталикларнинг ўлчов бирликларини бир хил тизимда олиш ва ҳисоблаш формуласига бирликларни тўғри ёзилса, хатоликлар содир бўлмайди ва аниқланаёттанди катталиктарнинг бирлиги ҳам тўғри топилади.

Махсус масала гуруҳига шунингдек ижодий масалалар деб аталувчи масалалар ҳам киради. Ўзининг қўйилиши бўйича бу масалалар инсоннинг амалий, шу жумладан, тадқиқот фаолиятида учрайдиган масалаларга кўп жиҳатдан яқин. Уларни ижодий деб шартли равишда айтиш мумкин, чунки улар объектив янги натижага бермай, фақат субъектив натижага беради. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда уларнинг аҳамиятига методик адабиётда жуда катта баҳо берилади. Бу масалалар иккита асосий

кўринишга эга бўлади: «Нима учун» деган саволга жавоб беришни талаб этадиган «тадқиқот» ва «қандай бажариш ёки амалга ошириш мумкин» деган саволга жавоб берадиган «лойиҳалаш».

Ўқув жараёнларида физикадан ижодий масалалар жуда кўп бўлмаслиги мумкин, аммо шу билан бирга уларнинг дидактик аҳамияти жуда катта, чунки уларнинг ҳар бири ўқувчилар фикрлашини ўстиришца муҳим ҳисса қўшади.

## **IX. Масалалар ечишга доир машғулотларнинг турлари.**

Масалалар ечиш ўқувчиларнинг ўтилган мавзу ёки боб бўлимига ҳамда ўрганилган мавзуни ва чуқурлаштириш мақсадида фойдаланилади. Янги мавзуга доир синфда масала ечишдан сўнг, уй вазифаси сифатида ҳам берилади. Умуман дарсларда физикадан масала ечиш учун ўқув вақтининг 25–30 фойзи сарфланади. Масалалар ечишга тақоролаш дарсларида яна ҳам кўпроқ вақт ажратилади ва ниҳоят, дарсларнинг маҳсус бир қисми масалалар ечишга бағишлианди.

Элементар физика дарсларида ва уйда ечиладиган масалаларнинг умумий сони 900–1000 тага этиши керак ва шунча тест вазифалари ечиш керак.

Физикадан масалалар ечиш ўқувчиларни табиат ҳодисалари ёки жисм хоссаларини аввалдан кўришга ёки кашф этишга имкон беради, физик муаммони ҳал қилиш ҳар қандай қийинчиликни енгиздаги сингари «Спорт» ўйинларига ўхшаб кетади. Шунинг учун кўплаб мактабларда физикадан масалалар ечиш тўтаракларини ташкил қилиш талаб этилади. Бу эса мактаб туман(шаҳар), вилоят, республика миёсидағи физик олимпиадаларга тайёрлашда ҳам кенг тарқалган.

Дарсларда масала ечиш қуидагилардан иборат:

1. Янги мавзу тушунтирилгандан сўнг масалалар ечиш.
2. Режалаштирилган мавзу асосида(бўлим ёки бобдан сўнг) масалалар ечиш.
3. Тақоролаш дарсларида масалалар ечиш.
4. Тўтаракларда масалалар ечиш.

**Масалалар ечиш дарси:** Ўқитувчи аввалдан дарсга тайёргарлик қилиши, масалалар қайси мавзуга доир ечилишини ва масалалар ечиш дарсининг ўтказиш методларини олдиндан аниқлаб олиш мақсадга мувофиқdir.

1) Масалалар ечиш дарсларида синф ишининг ташкил қилишининг икки асосий шаклидан фойдаланилади. Масалаларни ўқитувчининг ўзи ўқувчиларнинг фаол иштироки асосида доскада ишлаб кўрсатади ёки ўқувчилардан бири доскада ўқитувчининг раҳбарлигида ишлаб чиқади. Ёки ўқувчилар масалаларни ўз дафтарларида мустақил ечадилар. Ўқитувчининг ўзи ечадиган усулдан кўпинча масалаларни янги ўтилган мавзуга оид энг янги хилларини тушунтиришца, ечиш методлари, ёзиш шартлари, бирликлар тизими ҳақида янги

маълумотлар бериш лозим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Ўқувчиларнинг ўзи ишлайдиган усульдан асосан ўқувчиларда амалий ўқув ва малакалар ҳосил қилиш, шунингдек, уларнинг билимларини текширишда фойдаланилади.

2) Ўқитувчи ўқувчиларга масаланинг шартларини ёзиши намуна қилиб кўрсатиб, ечиш жараёнларини, ҳисоблашларни ёки чизмаларни қандай чизилишини янги мавзуда қандай ўтилган бўлса, бу масала ишлаш усулини ҳам шундай тушунтириб бериши зарур. Акс ҳолларда ўқувчилар масала ишлашга қизиқмай қоладилар.

3) Қизиқарли масалалар ечиш яхши натижа беради. Ўқувчиларнинг физикадан қизиқарли кечаларда, физикавий викториналар ва КВН ларда физика масалаларини қандай қизиқиши билан ечишлари ҳаммага маълум. Шунинг учун масала ечишда маълум даражада ўйин ва мусобақа элементлари бўлиши жуда фойдали бўлади.

4) Ўқитувчи дарсда масалани мустақил ва жамоа бўлиб ишлашни тўғри йўлга қўйиши зарурдир. Берилган ҳар бир масалани ўқувчилар дастлаб бир неча минут давомида йўлаб олишлари ва мустақил ҳолда ечишга уринишларига йўл қўйиш ва шундан кейингина бутун жамоа бўлиб масала ечишни бошлашлари керак.

5) Масала ечиш учун қайси ўқувчини доскага чиқариш кераклигини ҳал қилиш ҳам муҳимдир. Баъзи ўқитувчилар дарсда вақтни тежаш учун ҳа деб билимли ўқувчилар билан ишлашга ҳаракат қиласидилар. Албатта шароитга қараб билимли ўқувчилар ҳам, кучсиз ўқувчилари ҳам доскага чиқарилиши керак. Янги масалани ечишда доскага ўртача ўқувчиларни чиқариш фойдалидир. Кучли ўқувчи доскада масалани ечаёттанды бошқа кўпчилик ўқувчилар тушунишга улгирмайдилар.

Мураккаб масалаларни ечишда доскага навбат билан бир нечта ўқувчини чиқарилиши ва улар алоҳида амалларни бажарилиши, ечиб бўлгандан кейин эса яна 1–2 ўқувчини доскага чиқариб, масалани батамом такрорлаш ҳам мумкин.

6) Ўқувчиларнинг ўзига ҳам масалалар туздириш ҳам фойдадан холи эмас. Бу педагогик нуқтai назардан тўғри усулдир. Ўқувчиларнинг синфда ёки уйда ўрганишга доир масалала тузишлари уларни ижодкорликка ундаиди. Ўқитувчи ўқувчи тузган масалаларни текшириб, улардан энг қизиқарлиларини, бутун синфни жалб қилган холда, ечишни таклиф қилиши ниҳоятда фойдалидир.

НИҲОЯТ Ўқитувчилар ўқувчиларни хоҳлаган турдаги ва хоҳлаган усулдаги масалаларни ечишга ўргатиш мақсаддага мувофиқдир.

## **2. Физика кечалари.**

Мактабларда физикадан қизиқарли кечалар ўтказиш анча сусайиб кетди. Шу сабабли биз қайси мавзуларда кечалар ўтказищдан намуналар берамиз.

Мактабда физикадан ўткир зеҳнилар баҳсини ўтказиш ўқувчиларнинг ўзаро билимини синайдиган ва бойитадиган воситаляридан биридир. Ўткир зеҳнилар баҳслари ва мавзули кечалар ўтказиш ҳозирги пайтда қатъий одат тусига кириб боришига ёрдам бермоқдамиз. Бунинг сабаби фанлар ойлиги жорий қилинган. Мана шундай қизиқарли ишлар бевосита ўқувчиларни китоб билан ишлашга, фикрлашга, мустақил билим олишга ёрдам беради. Шунингдек, ўз олдимизга физика дарсларида олинган билимларни аниқ ва тушунарли шаклда чуқурлаштиришни, бу билимни амалда қўлланилишини кўрсатишни, ўқувчиларни кўпроқ билим олишга интилишини ривожлантиришни мақсад қилиб қўямиз. Бу кечани шартли равища «Салом, физика» деб атадик ва уни 7–8–синифларнинг ўқувчилари тайёрлайдилар.

«Салом, физика» номли мавзуда кеча ўтказищдан мақсад физика фани асосларидан олган билимларини намойиш қилиш, табиат ва ундаги ҳодисаларни тўғри талқин қилиш, физикани турмушда ва техникада иштирок этишини тушунтириш, ўқишига онгли ёндошиш ҳисларини ривожлантириш, пухта ва атрофлича билим олишга ўқувчиларни ундашдан иборатдир.

Ўқитувчи ўқувчиларга табиат ҳодисалари ва физикага доир шеърларни ёд олдиради, ашула ва ўйинлар ўргатади.

«Салом, физика» номли мавзуда кеча ўтказиш қуийдаги режа асосида олиб борилиши мумкин.

1. Кираш.
2. Кечанинг расмий қисми.
3. Викторина.
4. Ашула ва ўйинлар.

Кечани физика ўқитувчиси кириш сўзи билан очади. У ўз сўзида табиат ҳодисалари, техникада ва турмушда ишлатиладиган асбоблар, космик ракеталар ва ҳ.к. физика фани билан боғлиқ эканлигини, ҳамма жойда физика ҳозири нозир эканлигини айтиб ўтади.

Шундан кейин кечанинг расмий қисми бошлиб, 7–8–синф ўқувчилари ва физика ўқитувчилари ўзлари шу мавзуга атаб ёзган ёки ёдлаган шеърларидан намуналар ўқиб беришади.

**1 – ўқувчи:**  
физика саналур, фанларнинг шоҳи,  
Ибн Синодир, унинг сардори.  
Зарядлар таъсирин очганда Кулон,  
Илмда тарҳодир бу улут инсон.  
Улугбекнинг номи бутун оламда

Архимед ричаги бизнинг қўлларда.

2 – ўқувчи:

Биламан, каттадир физик олимларнинг  
Физика фанига қўшган ҳиссаси.  
Кўпдан инсонни ҳайратта солган  
Лазер нурининг янги ҳиссаси.  
Нур демак жаҳон нурафшон  
Жаҳон халқининг иқболи шунда.

3 – ўқувчи:

Бутун дўстларга Ассалом! – демак.  
Шундай улуғ айёмда, ёп – ёруғ кунда.  
Ассалом, сўзимнинг кириш қисмидан,  
Ассалом, қалбимнинг юрак тўридан,  
Ассалом, бўлажак ёш физиклардан.  
Бугунги учрашув дўстлик тимсолм  
Физика фанининг сиру асрори.  
Ҳакам хайъати томошаси бу  
Икки команданинг учрашуви бу.

4 – ўқувчи:

физика бу фанлар отаси  
химия, алгебра унга эгизак.  
Ньютон, Архимеднинг ҳиссаси  
Физика фанига қўйгандир bezak.  
Физика китобин қўлга олганда  
Биламиз Паскаль қилган меҳнатин.  
Мисол ва масалалар ечганда  
Қадрлаймиз унинг меҳнатин.

5 – ўқувчи:

Эҳтимол, шу залда ўтирганлардан  
Кимдир, бирор ойга учиши мумкин.  
Кимдир келажакнинг ракетасида,  
Чексиз фазоларни қучиши мумкин.

Атомлар сирини ўрганиб кимдир,  
Оламга янги нур сочмоғи мумкин.  
Ҳали биз билмаган беҳисоб  
Тилсимларн очмоғи мумкин.

6 – ўқувчи:

мен шеърга солдим айтар сўзимни,  
Бахтиёр сезаман фоят ўзимни.  
Хуш келибсиз! Бизни этдингиз шод.

Қадамларингизга минг – минг хасанот.  
Салобат тўкиб ўтирган хайъат аъзолари  
· Сизларга ассалому алайкум! Салом! Ассалом!  
Сизларга ассалому алайкум! Салом! Ассалом!

7 – ўқувчи:

Кечамизга «Салом, физика» деб қўйдик ном,  
Барча ғалабани қўрамиз бахам.  
Шу бузилмас дўстлик беради илҳом.  
Физика фанининг ихлоҳсандларига  
Ассалому алайкум! Салом! Ассалом!

Сўнгра викторина бошланиб, қўйидаги саволлар берилиб, ҳар хил тажрибалар кўрсатилиди.

1. Жисмлар совуқдан тораяди дейишиди. Хўш, шундай экан, нима учун бутилкадаги сув музласа, бутилка ёрилиб кетади ?
2. Идишга 3 хил модда: сув, керосин ва симоб қўйилган. Улар қандай тартибда жойлашади ?
3. Нима учун чойнакнинг жўмбираги асосий қопқоқли қисмидан сал баландроқ бўлади ?
4. Нима учун совуқ жойларда симобли термометр ишлатади ?
5. Нима мақсадда сут ёки қатиқ солинадиган қофоз пакетга парофин шимдирилади ?
6. Нима учун электр токи ўтаётган симда қуш электр токи тўхташи билан учиб кетади ?
7.  $J = U/R$  ва  $K = \frac{J}{E}$  формуулаларни тақдосланг.
8. Электр станцияларда электр токи қандай пайдо бўлади ?

Тажрибалар ўтказиш учун керакли ҳамма асбоблар тайёрлаб қўйилган бўлади.

1. Беш тийинлик чақа тангани икки мих орасидан биринчи ҳолда ўзини, иккинчи ҳолда эса қиздириб ўтказинг. Нима учун иккинчи ҳолда танга ўтмади ?
2. Катта шиша банка ичидаги сувга бўш стаканни тўнтариб туширсангиз, стаканга сув кирмайди. Нега бундай бўлади ?
3. Гластмасса ликобчадаги сувни стаканга ўтказиб олиш. (Гластмасса ликобчага озгина сув солинади, тоза стакан олиб ичига аланга ташлаймиз ва сувли ликобча устига тўнтарамиз. Ликобча ичидаги сув стакан ичига тортилади. Стаканни юқорига қўттарсак, ликобча ҳам юқорига қўтарилади. Стаканни тўғри қўйиб қўйсак, ликобча юқорида бўлиб, стакан пастда бўлади ва сув стаканнинг ичига киради).

4. Пахтани ёки ёғоч чизгични ҳаракатта келтириш. (Шиша таёқчани газетага яхшилаб ишқалаб, зарядлаб оламиз ва енгил пахтага тегизамиз. Пахта ҳам шундай зарядга эга бўлади. Шиша таёқчани силкитиб пахтани туширамиз ва таёқчани ҳавода пахтага

яқинлаштирсак, таёқчадан қочиб кетади. Лампочканинг устига ёғоч чизгични қўйиб, зарядданган шиши таёқчани яқинлаштирамиз, шунда чизгич лампочка устида айланана бошлади).

Бундай ҳодисаларнинг сабабини тушунтиринг.

Кечанинг расмий қисми тамом бўлгач, ашула ва ўйинлар ижро этилади. Кеча охирида хайъат аъзолари томонидан қўйилган баҳолар эълон қилиниб, юқори баҳо олган ўқувчилар ўқув қуроллари билан тақдирланадилар.


Мактабларда ўткир зеҳнилар баҳсини ўтказиш ўқувчиларнинг ўзаро билимларини сирайдиган ва бойитадиган воситалардан бириди. Ўткир зеҳнилар баҳслари ва тематик кечалар ўтказиш ҳозирги пайтда қатъий одат тусиға кириб бормоқда. Мана шундай қизиқарли ишлар бевосита ўқувчиларни китоб билан ишлашга, фикрлашга, мустақил билим олишга йрдам беради. Шунингдек, ўз олдимизга физика дарсларида олинган билимларни аниқ ва тушинарлик шаклда чуқурлаштиришни, бу билимни амалда қўлланишини кўрсатишни, ўқувчилардан кўпроқ билим олишга интилишини ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди.

Кечанинг янада қизиқарли ўтиши учун кеча қатнашчиларига бош қотирмалар берилади.

### 3. Физикадан бошқотирмалар

Механика бўлимига бош қотирма (расм 2).

1. Жисмларга тезлик берувчи сабаб.
2. Кучга маънодош сўз.
3. Инглиз физиги.
4. Вақт бирлигида босиб ўтилган йўл.
5. Ватаандошларимиздан бири.
6. Ҳаракатни ўрганадиган бўлим.
7. Запас энергия.




Расм 2

Иссиқлик бўлимига бош қотирма (расм 3).

1. Модда ҳолатидан бири
2. «Совуқ» сўзига қарши сўзи
3. Жисмларнинг иссиқлик даражаси
4. Ҳароратни ўлчовчи асбоб
5. Буғнинг сувга айланиши
6. Иссиқликни узатишнинг бир тури
7. Инсоният тарихидаги иккинчи муаллим


8. Молекуланинг тартибсиз ҳаракатини биринчи бўлиб кузатган олим  
 9. Сувнинг қаттиқ ҳолати.



расм 3


Ҳаракат ва жисмларнинг ўзаро таъсирига доир бошқотирма(расм 4).

1. Одамнинг бажарадига фаолияти.
2. Жисм томонидан босиб ўтилган масофа.
3. Узунлик ўлчов бирлиги.
4. Механик ҳаракат тури.
5. Массани ўлчовчи асбоб.
6. Механик ҳаракат тури.
7. Жисмнинг иш бажариш қобилияти
8. Энергия тури.



Расм 4


«М» ұарф билан бошланадиган физик катталиклар учун бошқотирма(расм 5).



Расм 5

Физика фани ҳақида бошланғич мәденимдер бүйіча бошқотирма(расм 6).


1. Физик катталиклардан бирининг номи(бүйіга түлдирилади).  
Кейінги топшириқтар эніга түлдирилади:
2. Ұлчов асбоблардан бири.
3. Физика фанига асос солған ватандошларимиздан бири.
4. Ҳажм бирликтеридан.



расм 6.

Ұлчов асбобларына бошқотирма (расм 7).

1. Автомобилнинг тезлигини күрсатып турувчи асбоб.
2. Ҳавонинг намлигини ұлчовчи асбоб.
3. Ҳароратни ұлчовчи асбоб.
4. Кучланишни ұлчовчи асбоб.
5. Босимни ұлчовчи асбоб.
6. Ток күчини ұлчовчи асбоб.
7. Одамнинг қон босимини ұлчовчи асбоб.
8. Суюқлик зичлигини ұлчовчи асбоб.



расм 7

#### 4. Тұғаракнинг вазифалари:

Физика үқитишида яхши самарадорликка эришиш учун яхши үқитишининг үзини етарлық десақ, тұғри бўлмайди. Бунинг учун бошқа бир зарурый тадбирларни, яъни үқитувчилардан үз фанига үқувчи – ларни қизиқтира олишдек маҳорат бўлиши талаб қилинади. Үқитувчи аввало үқувчилардан атрофдаги барча табиат ҳодисаларида физикани кўра оладиган даражада синчковликни, қизиқувчанликни уйғотмоқ лозим, токи үқувчи қишлоқ хўжалигидами, қурилишдами, табиатдами, техникадами, тиббиётдами, спортдами, турмушдами, мактабдами физика унинг билан биргадек фикр қиласин. Бу вазифани физика предмети билан биринчи танишгандаёқ үқувчилар онгига етказиш ва ҳар хил тажрибалар үтказиб уларда фанга қизиқиш уйғотиши керак.

Үқувчиларда физика фанига қизиқиш уйғотишининг яна бир усули физика фанидан тұғарак машғулотларини үтказишидир. Үқувчилар ўзларининг қизиқышларига ва лаёқатларига қараб турли тұғаракларга ёзилишлари керак. Дарсдан ташқари вақт үтказиладиган оммовий ва яккама – якка ишларда үз истаслари билан қатнашадилар. Ҳамма фанларга доир тұғаракларининг тахминий дастурлари тузиб чиқилади. Тұғарак раҳбарлари шу дастур асосида шарт – шароитларни ҳисобга олган ҳолда иш режалари тузадилар. Ҳар бир тұғарак ва ҳар қандай үқувчилар жамоасининг иши турмуш билан, турмушни қайта қурища фаол иштирок қилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ташкил этилади. Тұғарак учун үқувчиларнинг умумий билим ва фан – техника савиясини кенгайтиришга, уларнинг аҳлоқий ва меҳнат тарбиясига, сиёсий онгини, эстетик дидларини ва жисмоний кучларини ривожлантиришга ёрдам берадиган материалларни танлаб олиш айниқса муҳимдир.

Үқувчилар у ёки бу фанга кўпроқ қизиқиб қолса, тұғаракларга зўр иштача билан ёзиладилар ва фаол иштирок этапдилар. Тұғаракда ҳар бир машғулотда үқувчиларнинг сони 12 – 15 тадан ошмаслиги керак. Үқитувчи физика тұғарагини ва унинг мавзуларини үқувчиларнинг талаби ва қизиқышларини, шунингдек, үзининг малакаси ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Тұғараклар параллел

синфларнинг ўқувчилари учун ташкил этилиши яхши натижа беради. Нима учун?

Физика тұтараклари машгулот мазмунига қараб бир неча турға бўлинади. Масалан, физик олимлар ҳаётини ва ижодини ўрганиш тұтараги, физикадан асбоблар ясаш тұтараги, масала ечиш тұтараги, тадқиқот тұтараги ва күргазмали қуроллар тайёрлаш тұтараклари бўлиши мумкин. Тұтаракларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ўстиришдир. Ўқитувчи тұтарак қатнашчиларининг кўникма ва малакаларини, ижодий ишларини тұтаракдан ташқарида, оммавий тадбирлардан биронтасида қандай татбиқ қилиш мумкинligини назарга олади.

Тұтарак машгулотлари дарсда ўтилган назарий материалларни тақрорламасдан, қуруқ ёдламасдан, аксинча, ўтилган материалларни янада кенгайтиришга, ҳаёт билан боғлашга, ўқувчининг зеҳнини ўткирлаштирадиган ва такомиллаштирадиган амалий машгулотлардан иборат бўлиши керак.

Ўқитувчи машгулотнинг биринчи 15 – 20 минутида тушунтириш ишларини олиб боради, кейин амалий машгулотта ўтади. Бироқ амалий машгулот давомида ўқитувчи йўл – йўлакай ўқувчиларга айrim машгулотларни бериб бориши лозим. Амалий машгулотда ўқувчилар тўлиқ бажара олмаган ишларини уйга вазифа қилиб бериши ҳам мумкин. Бундан ташқари ўқувчиларнинг бажара олиш имкониятлари ҳисобга олиниб, уларга алоҳида вазифалар берилиши мумкин.

Синфдан ташқари олиб бориладиган барча машгулотлар ўқувчиларга пухта ва ҳар тарафлама билим беришга қаратиласди, чунки ҳозирги замон илмий техника инқиlobи даврида саноат корхоналари, ахборот коммуникация технологиялари, ярим ўтказгичли материаллар ишлаб чиқарилишини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалик соҳаларида ишлаш учун ёшлар физика ва техника юзасидан пухта билимга эга бўлиши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш ва уларнинг мустақил билим олишлари учун зарур бўлган кўнималар билан қуроллантиришдан иборатдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Н.М. Сперанский «Физикадан масалалар қандай ечилади». «Ўқитувчи», Тошкент – 1971 й.
2. С.Е.Каменский, В.П.Орехов «Физикадан масалалар ечиш методикаси», «Ўқитувчи», Тошкент – 1976 й.
3. В.Г.Разумовский ва бошқалар. «Физика ўқитиши методикаси асослари», «Ўқитувчи», Тошкент – 1990 й.
4. А.Юсупов «Физикадан масалалар ечиш услуби», Тошкент – 1994 йил.
5. А.Юсупов «Физикадан қизиқарли савол – жавоблар», «Ўқи – тувчи», Тошкент – 1997 й.

6. А.Юсупов, М.Қодиров «6 – синфлар учун масалалар ечиш методикаси», Андижон, 2005 й.

7. А.Юсупов, М.Қодиров «Мураккаб масалалар ечиш методикаси», Андижон, 2007 й.

8. А.Юсупов, Т.Сайдов. «Таълимда инновацион технологияларни кўйлаш». Тошкент 2007 й.

### Мундарижа

	бетлар
Сўз боши.	3
1. Физикадан масалалар қандай ечилади.	3
2. Физика кечалари.	13
3. Физикадан бошқотирмалар	16
4. Тўтаракнинг вазифалари:	19
5. Фойдаланилган адабиётлар.	20

